



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
КЕЛАЖАГИ  
БУЮК  
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2004 йил 14 декабрь, № 256 (3531)

Сешанба

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, Конституциявий суд, Олий суд, Ҳарбий суд, Бош прокуратура, Ҳарбий прокуратура раҳбарлари, шунингдек, парламент кўмиталари ва комиссиялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институтига ҳамкор ташкилотлар, жамоат, халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С.Рашидова бошқарди. Ийгилишида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари Р.Қодиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов ва бошқалар сўзга чиқди. Таъкидланганидек, ушбу тадбирнинг ўтказилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида Ўзбекистон

фуқароларининг имкониятларини кенгайтириш ва тўлдириш, миллий ташкилотларнинг халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан алоқаларини мустақамлаш, аҳолининг, жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш вазифаларига йўналтирилган. Қайд этиш керакки, омбудсман ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар органлари парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтига жорий этилганидан бошлаб мамлакатимиз фуқаролари манфаатлари йўлида ўзаро фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳар икки тузилма фаолиятининг

профилактик характери, фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасида мониторингдан кенг фойдаланишдан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорликнинг турли шаклларида самарали фойдаланиб келмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бундай ҳамкорлик чет элларда, жумладан Россия Федерациясида ҳам мавжуд. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари бўйича давлат ва жамоат тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустақамлашнинг долзарблиги ва зарурияти, мазкур масалалар бўйича мониторинглар ўтказилиши соҳа мутахассисларига эришилган натижаларни мавжуд миллий таъриба ва хорижий мамлакатлар амалиёти билан солиштириш имконини беради. Ийгилишида Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Азимбеков, Швейцария Конфедерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Петер Буркхарт иштирок этди.



(Ў.А.)

## 26 декабрь Халқ. Демократия. Сайловлар

### Адолатли сайловлар — демократия кўзгуси

Маълумки, ҳозирда мамлакатимиз фуқаролари Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловлар руҳи билан яшамокда. Номзодлар билан учрашувлардаги сайловчиларнинг фаоллиги ҳам бунга яққол мисолдир. Эндиликда сайловчилар ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши билан бир қаторда демократик тушунчалар тўғрисида ҳам эркин ва мустақил фикрланмоқда. Бунинг мамлакатимизда сайловларнинг эркин, демократик усуллар билан олиб борилишига етарлилик замин яратилгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. "Халқ сўзи" газетаси мухбирининг Мустақил номзодлари кўлаб-қувватлаш маркази раҳбари раҳбари навбатдаги суҳбатда Сиз бу ҳақиқатга яна бир қарра имон келтирасиз.

(2-бетга қаранг.)

## Сирдарёнинг гурури бор

Халқ депутатлари вилоят  
Кенгашининг навбатдан ташқари  
сессиясидан кейинги ўйлар

Сессия залига тўпланган депутатларнинг аксарияти қисми вилоятдаги қатор корхонаю идоралар, кўплаб бошқармаю муассасалар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларидан иборат эди. Ана шу кишилар Юртбошимизнинг аниқ далили таҳлилларидан иборат нутқини диққат билан тинглашди. Кўпдан-кўп рақамларни дафтарларига ёзиб олишди. Сессия тугагач, улар зални жимгина тарк этишди. Бу сукунату жимликка ўнлаб сабаблар бор эди.

Вилоятнинг биринчи раҳбари ишдан кетди. Кўлга киритилган ютуқлардан кўра, бой берилган имкониятлар кўп эди. Биргина жорий йилда вилоят бўйича 73 минг тонна пахта, қариб 12,4 минг тонна яқин галла кам етиштирилди. Даромад ўрнига миллиард-миллиард сўм зарур кўрилди. Одамларнинг турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган кўплаб ваъдалар ижросини топмади. Вилоятта хориж сармоясини жалб қилиш, қўшма корхоналар, шунингдек далаларда, бог-роғларда етиштирилган минглаб тонна полиз, сабазот, мевачевани қайта ишлайдиган заводларни ишга тушириш ўлда-жўлда қолиб кетди.

### Бугуннинг гапи

Кимдир Сирдарёни Сирдарё қилиш учун, аввало, ирригация соҳасидаги ишларни тубдан яхшиламоқ керак, деса, бу фикрга сира иккиланмасдан қўшилмоқ керак. Кимдир Сирдарёда хар бир ховуч сувни тежаб-тергаб сарфламоқ шарт, дегудек бўлса бу гапга ҳам икки қўли кўтармоқ керак. 64,5 минг гектар майдонни шўр босибди. Бу иккита ўртачароқ туман далаларида кўзланган ҳосилнинг ярми ҳам олинмайди, деган гап. Демак юзлаб, минглаб деҳқонлар қадаган уруғларининг 40-50 фоизи унинг чикмаслигини, унинг чиққанларининг ҳам катта қисми апрель адоғию, майнинг бошидаги жазирада нобуд бўлишини билатуриб иш қоритади, деганидан.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Вилоятнинг кўплаб хўжалигу қатор туманларида эндиликда далаларга яхоб берилмайди. Демак, тупроқ қатламидаги туз ернинг юза қатламида сақланиб тураверади. Оқик ва ёпик дренаж, коллекторларнинг кўпчилиги ўтулану тупроқ остида қолиб кетган. Вилоятда ана шу ирригация тармоқларини яхшилаш, яъни уларнинг қўзини очиб бундан беш-ўн йил аввал бошланмоғи лозим эди. Ваъдалар, кўкракка уришлар туфайли бу ишлар ҳали-ҳамон изчил йўлга қўйилмаган. Давлат ва жамоа ҳуж-

(Давоми 2-бетда.)

## ТАШКИЛИЙ КЎМИТА ЙИГИЛИШИ

ҚАРШИ (Ў.А)  
мухбири Аҳад МУ-  
ХАММАДИЕВ).

Қашқадарё вилоят ҳокимлигида Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов бошқарди. Юбилей муносабати билан шаҳарда кўплаб маданий-маиший иш-ишотлар барпо этилмоқда, кўчалар, хиёбон ва майдонлар ободонлаштирилляпти. Хусусан, шаҳарнинг бош майдони ўзгача чирой касб этмоқда. "Одина" масжидида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Қурилиши жадал давом этаётган иккита кўпқаватли уйни эса келгуси йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Йиғилишда юбилей объектлари ҳад-валига кирган иш-ишотларни лойиҳалаш ва қуриш ишларини тезлаштириш борасидаги вазифалар белгилаб олинди. Ийгилишида Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

Клара Гуломназарова (суратда) ўзининг халол меҳнати ва ташаббускорлиги билан ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор қозонганлардан. "Меҳнат шохрати" ордени билан тақдирланган она, йигирма беш йилдирки, "Тошкент трактор заводи" давлат-акциядорлик жамиятида оддий ишчи бўлиб меҳнат қилади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотда у кишининг улуғи бор десак муболага бўлмайди.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

## Тасвирий санъатимиз илдизлари

Тошкентда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Ўзбекистон тасвирий санъат галереясининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда юртимиз жамоатчилиги, дипломатик корпус, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистоннинг етакчи музейлари ходимлари иштирок этди.

Учрашувда Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси директори Р.Тошматов ушбу масканинг асосий вазифаси маданий кадрияларимиз ва мамлакатимиз халқлари ижодийтини тарғиб қилибгина қолмасдан, замонавий жаҳон маданиятига чуқур интеграциялаштиришдан ҳам иборат эканлигини таъкидлади. Шарқ аёмеорий аънавалари орасида, миллий услубда барпо этилган Галерея бу турдаги иш-ишотларга қўйиладиган барча муҳандислик талабларига жавоб беради. Уни бунёд этишда Италия, Германия,

Буюк Британия, АКШ, Россиянинг энг йирик музейлари ва кўргазма залларини қуриш борасида тўпланган таъриба инobatга олинди. Замонавий ускуналар экспонатларни намойиш этиш ва сақлаш учун зарур ҳарорат, намлик ва муҳофаза шартлари бажарилишини таъминлайди. Бинода кино ва маъруза зали, кутубхона, устaxonалар мавжуд. Галерея қурилишининг асосий буюртмачиси ва ҳоимини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бўлиб, у кўп йиллар давомида мамлакатимиз маъна-

вий ва маданий бойлигини сақлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Банк ўз коллекциясидаги асарларнинг мунтазам кўргазмаларини ташкил этмоқда, юртимиз мўйқалам усталарининг асарларидан иборат кўлаб минтақавий экспозициялар уюштирмоқда. Миллий банк юртимизнинг маданий ютуқларини кенг тарғиб қилиш мақсадида мунтазам равишда тасвирий санъат каталогларини чиқариб келмоқда. Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси тарихини бошлаб берган кўргазма Миллий банк коллекцияси-

даги 300 га яқин картина — XX асрда республика халқлари бадий-тасвирий санъатининг энг яхши намуналаридан ташкил топган. Уларнинг муаллифлари Усто Мўмин, Д.Бурэ, П.Беньков, У.Тансиқбоев, А.Абдуллаев, Р.Аҳмедов, Р.Ғаглоева, Б.Жалолов, Н.Қўзибоев ва бошқалардир.

Кўргазмада Миллий банк бадий жамғармасининг бе-баҳо мулки бўлган тангалар коллекцияси алоҳида ўрин тутди. Банкнинг Ўзбекистонда ягона нумизматик хазинаси йирик хорижий музейлар билан рақобатлашишга қодир. Бу коллекциянинг ноёблиги шундаки, у, асосан, минтақамизда зарб этилган ва жаҳон тарихи учун деярли номсиз нодир тангалардан иборат. Галереянинг нумизматик экс-

понатлари 2500 йиллик тарихни қамраб олган бўлиб, Ўзбекистон маданияти ва давлатчилиги илдизлари тараққийлагани яна бир исботидир. Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси фаол маданий-таништирув ишларини олиб бормоқда. Галерея очилганидан буён бу ерда 2 мингдан ортиқ киши, шу жумладан мактаб ўқувчилари, талабалар, ижодкор аниёллар, хорижий мамлакатлар делегациялари бўлиб-булиб, Галереяда бадий кўргазмалар ташкил этиш юзасидан қатор хорижий ваколатхоналар ва музейлар билан дастлабки музокара-лар ўтказилди.

В.НИКОЛАЕВ,  
Н.УСМОНОВА,  
Ў.А мухбирлари.



Обуна — 2005

## Дилдан сўзловчи дўст

**Биринчи кўриши.** Яқинда қизик бир воқеа бўлди. Тахририятга пойтахт тумани ҳокимликларидан кетма-кет кўнгиноқлар бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхати қайси кун, "Халқ сўзи"нинг нечанчи сонида эълон қилингани билан қизиқишди. Бундай кўнгиноқлардан кейин ҳаблимдан "Ҳокимликдагилар газета ўқишадими эмас, ақалли уни кўлга олишадими, кўришадими? Унга обуна бўлишганими?" деган фикр ўтди. Тўғри, газета (қайси нашр бўлишидан қатъи назар) ё журнал қўйишди, телевизор ё радио кўриб-эшитадими — ҳар кимнинг ихтиёри, таъби. Аслида давлат сиваси билан боғлиқ масалалар, ҳукумат ҳужжатларидан бохабар бўлиш айниқса раҳбар ходимлар учун асосий ахборот манбаи, иш қуроли эмасми?..

**Иккинчи кўриши.** Сариевнинг туманилик А.Жумақулов тахририят-

самара бераётгани кишини мамнун этади. Бу халқимиз дилида, кўнглида яна маърифий баркамоллик туйғуси, маънавиятга интилиш ҳисси оловланаётганидан дарақдир. Ўз-ўзидан "Аҳвол ҳамма жойда ҳам шундайми? Бугуннинг гапи, ислохотларди, янгиликлар чекка ҳудудларда, қишлоқ аҳолисида ўз вақтида етиб бораётганими?" деган ҳақиқат саъвол туғилади. Яқинда вилоят марказида бўлиб, бу каби саволларга жавоб топгандек бўлдим.

Термиз давлат университети боносиди олдида жойлашган дўст со-тувчисидан сўрадим: —"Халқ сўзи" борми? —Келгани йўқ. —"Хурият" —чи? —Уям... Атайин шу кун шаҳардаги бир неча газета дўконларини кўздан кечирдим. Ва уларнинг "камбағал-лигидан" ҳафсалам пир бўлди. Рес-

публика газеталари вилоят марказ-ларигаги кеч келса, унда туманлар-га қачон етиб боради? Биз ислохот-лар руҳи жойларга етиб борма-ётганлигини, фуқароларнинг ма-тбуот сўзи таъсир даражасини ошириш тўғрисидаги даъвати яхши

дек равшан. Ҳақ гапдан эса кўз юмиб бўлмайди. Тўғри, ҳар қандай нашрини матбуот дўконларидан со-тиб олиш мумкин. Лекин обуна бўлиш орқали маънавият, маъри-фат, ижтимоий-сиёсий ҳаёт кўз-гу-ларидан атрофчила баҳраманд бўлишга не етсин. Биз фақат яна бир қарра обуна ҳақида эслатиб ўтишни лозим тояялмиз, холос. Балки одамларга матбуот нашрла-ри вақтида етиб борса, улар эртан-ги нурафшон кунимиз учун бутун турли бахдада амалга оширилаёт-ган туз ислохотлар, ҳаётимиздаги ўзгаришлардан воқиф бўлишарми-зи? Балки шунда шикоятчиларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб, уни ҳимоя қила олишган, аризаларини газетга юбориб, то жавоб бўлма-дики ишларини юриштиролмай ўтирганган кўра масалани жойида ҳал қила олишган бўлармиди? Нима бўлганда ҳам ниятимиз хо-лис — ўз нашримиз орқали юр-тимизда руй бераётган воқеа, жара-ёнларни халққа тезроқ етказиш. "Халқ сўзи" шаҳифаларида уларнинг қувонч ва ютуқлари, дарад ва муам-моларини ёритишди. Муштарий-лар билан дилдан сўзлашиш, бо-хабарлашиш, юрт ривожини йўлида янада яхшилашда "Халқ сўзи" ва "Народное слово" энг ишончли, яқин восита бўлиб қолади, дея умид қиламиз.

Умидо ФАЙЗИЕВА,  
"Халқ сўзи" мухбири.



# Геосиёсат: кеча ва бугун

Жаҳон иқтисодий ва дипломатияси университетиди халқаро илмий симпозиум бўлиб ўтди. Қизғин шундаки, буюк британиялик географ олим Х. Макин-дернинг бундан роллароса бир аср олдин чоп этилган «Тарихнинг географик маркази» деб номланган маърузаси ушбу анжуманнинг бош мавзуси бўлди.

Гап шундаки, маърузада Х. Макин-дер Европани ва унинг таркибий қисми Марказий Осиёни ўша даврда жаҳон сиёсатининг марказида турган минтақалар деган гояни илгари сурган, шу гояга боғлиқ илмий ва сиёсий қарашларини баён қилган. Маъруза ўша пайтдаёқ жаҳон геосиёсатида катта қизиқиш уйотган, кескин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлган. Яқинда Буюк Британия қироллиги география жамияти ушбу тарихий маъруза бахонасида хозирги геосиёсат масалаларига бағишланган симпозиум ўтказди.

# Янги Миллатлар ҳамжамияти

Перу президенти Александро Толедо тузилган янги иттифок доирасида минтақада 360 миллиондан зиёд одамни бирлаштирадиган ягона бозор яратилишини таъкидлади. Ушбу бозор барча учун бир хил бўлган қондалар ишлаб чиқади ва улар асосида бутун дунё мамлакатлари билан савдо-сотиқ олиб боради. Шунингдек, савдо ўтиши билан янги иттифокнинг ягона паспорти, ўз пул бирлиги, парламент ва суди бўлиши режалаштирилмоқда.

Александро Толедо мазкур иттифокнинг салоҳияти жиддийлигини таъкидлаш мақсадида икки давлат — Перу ва Бразилияни боғлайдиган автотрасса қурилиши буйича шартнома имзоланганини қайд этди. Ҳисоб-китобларга қўра, янги трансанинг қиймати 700 миллион доллар атрофида бўлади ва у яқин икки йил ичиде қуриб фойдаланишга топширилади.

Жанубий Америка миллатлар ҳам-

жамияти ЖАМҲ яратиш буйича ҳужжатда янги иттифок ҳудудда илгари тузилган «Меркорсурс савдо иттифики» ва «Анд ҳамжамияти» олиб борган жараёнларини давом эттириши таъкидланган.

Бирок базис қураувчилар ЖАМҲнинг яшовчанлигига шубҳа билан қарашаяпти. Уларнинг фикрича, янги иттифок яратиш буйича расмий декларация қабул қилинган бўлишига қарамай, амалда у қандай қўринишда бўлиши тушунарли эмас.

Масалан, «Анд ҳамжамияти» аъзолари ўзининг 35 йиллик фаолияти давомида ягона тариф тизими буйича келишиб олишолмади. Шу туфайли, янги иттифок яна бир бюрократик тузилма бўлиб қолиши мумкин. Бундан ташқари, шу пайтгача ушбу минтақада тузилган ташкилотлар аъзо давлатлар билан биргаликда эриша олмади. Шунинг учун ҳам бу тузилманинг бирон бир натижага эришиши аирмақол,

дейшмоқда айрим мутахассислар.

Жанубий Америка давлатлари президентларининг бир неча нафари Перуга келмагани ва баъзи давлат етакчилари декларация имзолангунча Кускони тарқ этишгани ҳам сиёсатчиларнинг салбий фикрларини исботлаб турибди. Яна минтақанинг йирик давлатлари — Бразилия ва Аргентина ўртасида савдо-сотиқ бўйича ўзаро келишмовчиликлар мавжуд. Чили ва Боливия ўртасида эса, ҳатто, дипломатик алоқалар ҳам йўқ.

Дарҳақиқат, янги иттифок тузиш буйича декларация имзолангани билан томонларда уни қандай ҳаётга татбиқ этиш ва янги тузилмага аъзо 12 давлатнинг амалда ҳамкорлигини таъминлаш буйича аниқ тушуна йўқ. Шундай бўлишига қарамай, Жанубий Америка миллатлар ҳамжамияти аъзолари келажакда янги иттифок ривожланиб, АҚШ ва ЕИ каби мавқега эришишига умид боғлашмоқда.

Салим ДОНИЁРОВ.



# Нарх биров ўзгарди

ОПЕКка аъзо давлатлар вакиллари Қоҳирада учрашиб, нефть қазиб олишни қаматйириш масаласини муҳокама қилишди. Қувайт нефть маҳсулотлари вазирининг таъкидлашича, ташкилотнинг барча 11 аъзоси «қора олтин» қазиб олиш ҳажмининг қаматйирилишини қўллаб-қувватлашмоқда.

Мазкур ташкилотнинг ҳар бир қарори жаҳон бозориде нефть нархининг ўзгариб туришига олиб келади. ОПЕКнинг ушбу қарори ҳам Лондон биржаларида нархнинг биров ўсишига сабаб бўлди. Айни пайтда бир баррел нефть 39,67 АҚШ долларига баҳоланмоқда.

# Етакчи кечирим сўради

Ироқ 1990 йилларда Қувайтга қилган босқинчилиги даврида Садам Ҳусайини фаластинликлар ҳам қўллаб-қувватлашган. Фаластин озолик ташкилоти етакчиси Махмуд Аббос Қувайтга қилган расмий ташрифи чоғида қувайтликлардан бунинг учун уэр сўради. Бу қарорга Есир Арафот улимидан сўнг келинган. Қувайт ҳукумати Махмуд Аббос ташрифини самимий қабул қилди.

# Парламент сайловлари

Тайван президенти Чен Шуйбян партияси муҳолифатчиларга парламент сайловларида ютқиш кўйганиларини тан олишди. Бу ҳақда марказий сайлов комиссияси маълум қилди.

Парламент сайловларининг натижаси кўп жаҳатдан Тайван ва Хитой ўртасидаги келгуси муносабатларнинг қай тарзда ривожланишини белгилаб беради.

Муҳолифатчилар парламентдаги 225 ўриндан 114 тасини эгаллашди.

# Филиппинда портлаш

Филиппин жанубида жойлашган Хенерал-Сантос порт шаҳридаги гажум бозорларнинг биринчи портлаш юз берди. Оқибатда 14 нафар беғуноҳ одам қурбон бўлди. Сўнгги маълумотларга қараганда, 600 нафардан ортиқ одам турли даражада тан жароҳати олган.

Мамлакат жанубида бир неча айирмачи гуруҳлар амалдаги ҳукуматга қарши ҳаракат қилимоқда. Бирок, маҳаллий полиция вакилининг айтишича, мазкур фожеа террорчилик хуружи эканлиги ҳали аниқланганча йўқ.

# Имкониятлар ҳозирча тенг

Руминияда иккинчи тур президентлик сайловлари жараёнида сайлов участкаларида ўтказилган сўровнома натижаларига қараганда, Адриан Настасе ҳамда Траян Бэшескулар бир хил овоз тўплаганлар. «Би-Би-Си» мухбирининг айтишича, мамлакатда охириги ўн беш йил давомида ҳали бу каби кескин сайловлар қурашилмаган.

Айни пайтда сайлов комиссияси овозларни санашида давом этмоқда. Биринчи турда Адриан Настасе ўз рақиблиридан 7 фоиз кўп овоз тўплаганди. Иккинчи турда Бухарест мэри бўлган Бэшеску ўз шахрида қўшимча имкониятни қўлга киритиши тахмин қилинмоқда.

Харик матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

# Абхазия: муросаю мадора

Абхазия Грузия таркибиде мухтор республика. Ҳудуди 8,6 минг кв. км. Аҳолиси бир миллион кишига яқин. Пойтахти Сухуми шаҳри.

2004 йил 3 октябрь кун Абхазияда президент сайлови бўлиб ўтди. Унда иккита номзод — ҳукумат сиваситини қўлловчи Раул Хаджимба ва муҳолифат вакили Сергей Багапш қатнашди. Овоз бериш яқини чиқарилгандан кейин Марказий сайлов комиссияси Сергей Багапшини галиб деб эълон қилди. Бирок Раул Хаджимба ўз мағлубиятини тан олмади. Галаба қилгунимча курашаман, деди у. Бу ерда ҳам худди Украинадаги каби вазият юзага келди.

# Шарҳловчи минбари

мент эса Сергей Багапшини галиб деб эълон қилди ва янги президентни шарафлаш маросимини 6 декабрь кунига белгилади. Амалдаги президент Ардзинбанинг тақрир сайлов ўтказиш тўғрисидаги фармони эътиборсиз қолди. Абхазия бош вазири Нодар Хашба эса сайловни кейинга қолдириб, ҳозирча вазиятни, бироз бўлса-да, юмшатишни ва муҳитни соғломлаштиришни тақлиф қилди. Бирок томонлар ҳеч нарсага эътиборга олишмади. Багапш ўзини президент деб ҳисоблашда давом этса, Хаджимба уни тан олмаслиги ва курашини галабага давом эттирмагани тўғрисида баёнот берди.

Ана шундай ўта қалтис ва ноқий бир вазиятда ҳар иккала номзод кавказликларга хос қатъиятлик ва ирода кучини кўрсатди. Улар

# Қонун ўзгартирилди

Россия конституцияси қабул қилинган кун — 12 декабрда мамлакат президенти Владимир Путин губернаторларни сайлаш тизимига ўзгариш киритишни маълумловчи ҳужжатга имзо чекди. Мазкур қонун жорий йилнинг 4 декабрида Давлат Думаси томонидан тасдиқланган.

Владимир Путин мазкур ўзгариш конституция доирасида амалга оширилишини таъкидлади.

# Режа амалиётни учун

Исроилда муҳолифатдаги Мехнат партияси етакчилари ҳамда мамлакат Бош вазири Ариэл Шарон бошчилигидаги «Ликуд» партияси ўртасида қу-

# Водород озон тешигини катталаштиради

Дунёнинг етук мутахассислари водород ёқилгисининг экологик панаеца, яъни ҳар қандай экологик муаммонинг ечимини деб ҳисоблашади. Водород ёқилгисининг унчалик тоза сув қолди. Шунинг учун, агар автотранспортда водородли двигателдан фойдаланилса, шахар ҳавоси бутунлай тоза бўлади, деган тахмин илгари сурилмоқда. Бирок ҳулоса чиқаришга шовилмаслик керак. АҚШнинг Калифорния штати технология институтини олим Юн ва унинг ёрдамчилари фикрига қўра, бу ҳолат озон қатламнинг емирилиши жараёнини тезлаштиради. Олимнинг тадқиқотлари муҳамал бўлмаган технологиялар оламида водороднинг унчалик тоза ёқилгисининг кўрсатида. Энди эса, водороддан ёқилгисининг фойдаланиш тартиби ҳақида сўз юритсак. Ёқилгисининг ёқилиши ва водороддан ёқилгисининг фойдаланиши тартиби ҳақида сўз юритсак. Ёқилгисининг ёқилиши ва водороддан ёқилгисининг фойдаланиши тартиби ҳақида сўз юритсак. Ёқилгисининг ёқилиши ва водороддан ёқилгисининг фойдаланиши тартиби ҳақида сўз юритсак.

# «Муносабатлар яқин бўлиши лозим...»

Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Европа давлатлари ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни муштақамлаш лозимлигини, бунда Англия кўприк вазифасини бажаришини маълум қилди. Бош вазирининг Францияда чоп этиладиган Le Journal du Dimanche газетасига берган интервьюсида таъкидлашича, АҚШ ва Европа Яқин Шарқ ва Балқон задиётларини хал қилишда, халқаро савдонини ривожлантириш ва табиатини муҳофаза қилишда яқдил бўлиши лозим.

# Intersport Кличко яна чемпион

Виталий Кличко боксининг WBC йўналиши буйича чемпионлик камарини сақлаб қолди. Лас-Вегаснинг «Mandalay Bay» казиносида бўлиб ўтган жангда у рақиб Дэнни Уильямс устидан саккизинчи раундда техник нокаут билан галаба қозонди. Айтиш жоизки, беллашув давомида Кличко рақибини уч марта ноқдаунга уратди.


Учрашувдан аввал кўпчилик мутахассислар жанг икки боксчи учун ҳам ўта оғир кечилишни башорат қилишганди. Улар британиялик Уильямснинг бокс оламини жуда тажрибали, техник жиҳатдан кучли, абжир ва ҳозир айна мақбул формада эканига алоҳида эътибор қаратишди. Яна Уильямс камарга даъвогар бўлгани туфайли беллашувда ютқазса фожиа бўлмаслиги ҳам унинг рингда ўзини эркинроқ ҳис қилишга имконият яратарди.

Унинг ўзи ҳам учрашувдан олдин «Мен ўзимни рақибимдан кучлироқ сезаяман. Жангга тайёрман ва унда Кличкони нокаутга уратаман» деганди.

Кличко ҳам учрашувга жиддий тайёрланганини қайд этди. Маълумки, Виталий Кличко собиқ иттифок ҳудудида боксининг энг нуфузли — Жаҳон бокс кенгаши (WBC) йўналишининг ўта оғир вазн буйича чемпионилик камарига сазовор бўлган биринчи боксчи сифатида тарихдан жў олганди. Эндиликда у чемпионилик камарини сақлаб қолган боксчи сифатида ҳам биринчи бўлди.

Айтиш лозимки, ушбу учрашувда қатнашган Дэнни Уильямснинг вазни 122,5 килограмм, Виталий Кличконинг оғирлиги эса 113,4 килограммни ташкил қилди. Уларнинг умумий вазни — 235,9 килограмм WBC йўналиши умуман бокс тарихидаги энг оғир вазн бўлди.

Кўпчилик жанг тугаши билан Виталий Кличконинг навбатдаги рақибни ким бўлиши билан қизиқишмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирча бу саволга аниқ жавоб бериш мушкул. Аммо сўнгги хабарларга қўра, WBA йўналиши буйича амалдаги чемпион Жон Руис Кличко билан учрашиш хоҳиши борлигини маълум қилган.



# «ҚУДУҚ» — КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Испаниянинг Бильбао шаҳрида ўтган ҳужжатли ва қисқа метражли фильмлар халқаро фестивалида таниқли қорақалпоқ кинорежиссёри Тўраниёз Қалимбетов суратга олган «Қудуқ» ҳужжатли фильми кумуш медалга сазовор бўлди.

Шу муносабат билан Бильбао фестивали бош қотиби Марна Анхелес Олеа «Ўзбекино» Миллий агентлигига йўллаган мактубида мазкур фильмининг нуфузли фестивал саворини сазовор бўлиши юртимиз киноижодкорлари фаолиятига берилган муносиб баҳо эканлигини таъкидлаган.

«Қудуқ» фильмида қорақалпоқ чўпонларининг машаққатли меҳнати, сувсизлик билан курашда тобланган метин иродаси ҳақида ҳикоя қилинган.

**ХАРАКАТ**

Корхона чет эл автоматикаси билан жиҳозланган 15 кВт. дан 2000 кВт. гача бўлган газ, электр, суюқ ва кўмир ёнилгиларида ишлайдиган сув иситиб берадиган қозонлар

ишлаб чиқаради ва сотади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ ш., 16-А уй.

Телефонлар: 8 (371-71) 54-791, 54-062, 8 (371) 100-99-03.

e-mail: harakat\_2004@mail.ru

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Организация реализует со склада вТашкенте:

**КАБЕЛЬ**  
(АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПГ, ПВ, АПВ, ППВ, ПУНП и т.д.)

**ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ**  
(ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)

**СВЕТИЛЬНИКИ**  
(ЛПО, ЛСП, НСП, РСР, РКУ и т.д.)

**ЛАМПЫ**  
(ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)

700015, г. Ташкент, ул. Нукуская, 29 д, дом быта "Ўзбекистан", 5-й этаж. Т.ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84. E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

**БИЗНИНГ ЁРДАМИМИЗ БИПАН ЎЗ БИЗНЕСИНГИЗНИ БОШПАНГ**

**ЧОП ЭТИШ УСКУНАЛАРИ**

Canon SHARP

THE DOCUMENT COMPANY XEROX hp invent

ОФИС УЧУН, НУСХА ОЛИШ МАРКАЗЛАРИ УЧУН, БОСМАХОНАЛАР УЧУН

қулай + ишончли + тежамли

**137-68-03**

КАФОЛАТ ТЕХНИК КУМАК САРФЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ҚОҒОЗ

Товар сертификатланган

Эсда тутинг, замонавий технологияларни қўллаш пулингизни тежайди!

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

Дунёда яхши одамлар кўп. Уларни атайлаб кидириш шарт эмас. Атрофимизда яхшилаб разам солсак, уларни тезда билиб оламиз. Бундай кишилар тўғрисида оддийгина қилиб «яхши одам», деб қўямиз. Аслида, ана шу биргина сўз энг катта ва сэмимий баҳодир. Юртдошларимизнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муруввати таҳсинга лойиқ. Хорижликлар бу туйғуларни халқимизга хос улкан фазилат деб баҳолаб, ундан ўрнак олишга интилишади... Жаноб Рональд Хонг 70 ёшдан ошган. Миллати корей. Ун йилдан бери мамлакатимизда яшайди. Иккинчи гуруҳ ногирони. Касби протезчи-ортопед. Оддийроқ қилиб айтганда, оғби ногиронларга махсус протезлар ясайди, уларни ана шу «оёқлар» да юришга ўргатади. Аслида бу — жуда нозик ва

машаққатли иш. Ўтган йиллар давомида у юзлаб ногиронларга ёрдам қилини чўзди. Уларнинг кўпчилиги бошқалар сингари жамиятда ўз ўрнини топиб кетди. Юракларидидаги ўксинишни, дардларини унутди. Хамманинг ҳам қўлидан келадиган юмуш. Булар ҳақида ёзиб ўтириш шартми, дерсиз. Шарт! Жаҳон фанининг сўнги ютуқлари асосида яратилган, юришга ўта қулай бўлган бу «касма оёқларнинг» ҳар бири хорижда 6 минг доллар туради. Жаноб Рональд Хонг эса мижозларидан на сарфлаган махсулотига, на бажарган меҳнатига бир тийин ҳам олмайди! Хаммасини текинга бажаради! Ажабландирингиз. Биз ҳам дастлаб шундай ҳолатга тушдик. Хаёлда ўнлаб саволлар чарх ура бошлади. Жавобни эса у кишининг ўзидан олдик.

лишлари билан ёдингизда қолганлари борми? — дея сўрайман ундан. Жавоб ҳаяжон билан бошланди: — О-о-о! Улар жуда кўп. — Чинозлик балиқчи дўстимиз Хайитовой, фарғоналик Зулфия, Раиса, сурхондарёлик Зафар, тошкентлик Гулноза... Улар мени ҳам унутмаган, иш юзасидан ёки хабар олгани келиб туришди. Уларнинг ҳаёти фаол бўлгани, аравачага миҳлиб эмас, қандайдир ҳунар билан машғул бўлиши ҳаммасидан ҳам қувонarli. Қизларимиздан бири ҳатто турмушга чиқиб фарзандли бўлгандан хабар топган кун ҳаммамиз учун байрамга айланди.



Истиқлол Бадиалари

Унда шоирнинг истиқлол йилларида яратилган публицистик мақолалари бир бутун китоб ҳолида жамланган. Китоб шаклан беш қисмга ажратилган бўлса-да, лекин ундаги мақолаларда ички бир боғлиқлик бор. Бу — шоирнинг Истиқлол, Миллат, Ватан ва унинг тарихи, бугуни, келажаги ҳақидаги эҳтиросли, ҳўшқин ва теран маъноли ўйлари, кечинмаларидир. Китобхонлар «Навоий ватани»дан ўз дунёқарашларини шакллантириш учун фойдали ва қизиқarli маънавий сабоқ оладилар.

Халоскор руҳ

Таниқли ва заҳматкаш шоир Омон Матжоннинг «Ижод дунёси» нашриёт уйи томонидан chop этилган янги асари ана шундай ном билан аталади.

Ушбу бадиакиссада миллатимизнинг пири алломаларидан бири — динда ҳам, сиёсатда ҳам энг аввало, аҳиллиқни, халқпарварликни, сулҳпарварликни асосий мақсад деб билган Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг нури сиймоси ва руҳий олами-нинг ёрқин бадий чизгилари берилди.

Журналистлар Беллашуви

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Жиззах вилояти бўлими Шахмат-шашка Федерацияси билан ҳамкорликда ажойиб тадбир уюштириши. Вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида шахмат бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Журналистлар учун илк бор ташкил этилган турнир кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Республика тоифасидаги ҳакам Уктам Ҳошимов



Спорт

Кураш Европа полвонлари баҳси

Декабрь ойи — ўзбек кураши бўйича мусобақаларга бой бўлмоқда. Жумладан, 10-12 декабрь кунлари Грециянинг Салоники шаҳрида ўзбек кураши бўйича 4-Европа чемпионати бўлиб ўтди. Унда кўҳна китъанинг 20 дан ортиқ мамлакатлари полвонлари етти вазн тоифасида голиблик учун баҳс юритдилар.

Шунингдек, 16-19 декабрь кунлари спортнинг ушбу тури бўйича Эронда Осие чемпионати ўтказилди.

Мазкур мусобақада Тўрабой Утаев, Шерали Тўраев, Рамзиддин Саидов, Давлат Чориев ва Икром Нуруллоев сингари полвонларимиз ватанимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Фарғона шаҳрида курашимизнинг иккинчи йўналиши — белбоғли кураш бўйича ўсмрлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари яқунланди. Тадбирда совринли ўринлар Фарғона, Андижон, Наманган ва Тошкент вилоятлари полвонларига насиб этди.

Армрестлинг

Шоҳсупага навоийликлар

Тошкентда армрестлинг бўйича ўсмрлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Мусобақада икки юз нафарга яқин спортчи иштирок этди. Беллашувда ўсмрлар ўртасида Сирдарё вилояти вакиллари Ф. Абдуллоев, Э. Усмонов, навоийлик Р. Жумаев, Н. Абдуллаев, Р. Мухтарев ва Р. Қодировлар, қизлар ўртасида эса чирчилик Д. Собиров ва, навоийлик Г. Зайниддинова, Е. Шарипова, А. Протопова ҳамда Г. Шариповлар ўз вазн тоифаларида голибликни қўлга киритдилар.

Таэквондо

Фолиблар аниқланди

Пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт мажмуасида таэквондонинг ИТФ йўналиши бўйича қора белбоғ соҳиблари ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Муросасиз курашлар остида ўтган беллашувлар якунига қўра, умумҳимоя ҳисобида Тошкент вилояти спортчилари биринчи ўрнини эгалладилар. Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти таэквондочилари иккинчи, учинчи ўринларни бўлиб олишди.

3. ЖОНИБЕКОВ.

САХОВАТПЕША ХОНГ

Азобга айланган тасодиф

Бу иш билан шугулланишимнинг ўз тарихи бор, — дея оҳиста сўз бошлади жаноб Хонг. — Воқеа йигирма бир ёшимда рўй берди. Сеулда автобусда кетаётганда, автобусда кетаётган автобус беш-ўн минут ўтган, аварияга учради. Мен бир оёғимдан ажрадим.

Ота-онам қайғуга ботишди: ногирон фарзандининг келажаги қандай кечадиган? Бу менинг кўнглимни эзарди. Отам тўплаган бор пулини қўлимга тутқазди.

— Ҳаётда ўз ўрнингни топиш учун ҳаракатингни қил, — деди. Тиришқоқ, табиатан кўнглиман Хонг учун машаққатли кунлар бошланди. Ҳаётга мухаббат, инсонларга бўлган ишонч унинг орзуларини рўёбга чиқаришга кўмаклашди. Бахтсиз тасодиф унинг иродасини бука олмади. У тушқунлик деган ҳолат билан муроса қилишни истамасди. Чунки, агар шундай қилса, эртадан бошлаб зулмат қаъридаги ҳаёт бошланиши ич-ичидан ҳис этган эди.

Унга хорижлик хайрия ташкилотларидан бири протез ясаб, юришга ўргатди. Хонг энди ўзини ҳаёт гирдобига улоқтирилган, тақдир аянчи кечадиган одам деб ҳисобламасди. У ўзини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси деб ҳисоблаб, ҳамма қатори нималардир

қила олишига ишонди ва мақсад сари интилаверди. — Менга мурувват кўрсатганларнинг ёрдами-дан бошим осмонга етди, — дейди жаноб Хонг. — Ногирон бўлсам-да, инсонларга фойдам тегишига, ҳамма қатори оилали, фарзандли бўлишдек бахт мен учун армонга айланмаслигига ишондим. Ҳаётга бўлган мухаббатим тикланди. Яхши инсонлар менинг ўқисик кўнглимга малҳам бўлдилар. Айниқса, ота-онанинг кўзларидидаги изтироб кетганидан мамнун эдим. Мен буларнинг баридан каттиқ таъсирландим. Ҳаёт, инсонлар тақдирини ҳақида узоқ ўйладим ва... бутун ҳаётимни ногирон, кўнгли ўқисик одамларга бағишлашга қарор қилдим. Уларни ҳаётга қайтариб, ўз ўрнинларини топишларига кўмаклашиш умрим мазмунига айланди.

Офтобли юрт меҳрибон жигарбандлар биландир

У қисқа фурсат ичида протез ясаб сирларини ўрганди. Қароридида катъий турган Хонг уларни хайрия сифатида текинга ўрнатиб беришини бошлади.

— Протез оёқ ясаб борасида анча-мунча тажриба ортириб, анчагина муваффақият қозона бошлагандим, — деб эслади жаноб Хонг. — Булар ҳақида Америкага ёзиб юбордим. Ишларим уларни бефарқ қолдирмади. Менга қақирув

қоғози жўнатишди. Фаолиятимни Америкада давом эттирдим. Сўнг Россияда, Хитойда ногиронларга қўлимдан келганча ёрдам бердим. Ниҳоят, 1994 йили Ўзбекистонга келишга қарор қилдим.

Албатта, ҳар қандай кишининг ўзга юртда яшаб ишлашга қўнқиши осон эмас. Бошқа муҳит, бошқа одамлар, бошқача муносабатлар...

Кўлини кўксига қўйиб «Ассалому алайкум» дея кўтиб олган халқининг биринчи кундан оқ кўнглимдан жой олди. Мен қўллаб мамлакатларда бўлганман. Ростини айтсам, ҳатто бу ердаги корейслар ҳам бошқа жойдагилардан қўра меҳрибонроқ, меҳнаткаш туоларди менга. Халқинингиздаги меҳрибонлик, бағрикенглик уларга ҳам «оққани» менга янада ҳам ва ишонч бағишлади. Бу ердаги тегишли ташкилотлар вакиллари ишларим билан танишган, шу ерда қолишимни сўрашди. Улар менга, «Кўмагингизга муҳтож одамлар сизни қўриб янаша умиди яна кучаяди», деганларида йиғлаб юборгандим. Бу ерда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берилиши мени жуда қувонтиради. Бундай эзгу ишларга шахсан мамлакат раҳбари бош бўлаётгани, ташаббус кўрсатиши ҳар қандай кишини руҳлантиради.

Қалби дарё, кўнгли доим бегараз ёрдамни истовчи бу оқкўнгли инсоннинг ишлари кишини хайратга

солади. У хизмат қилаётган «Янги умид» деб номланувчи реабилитация марказида шу пайтгача қанча протез ясаганини сўраганимда, у бир мuddат тикилиб турган, оҳистагина деди: — Одатда бирор буюм ишлаб чиқарилса, унинг сони билан қизиқадилар. Бу саволининг менга сал галатирок туюлди. Агар мен унга «фалонча» деб жавоб берсам, худди одамларга кўрсатилган ёрдамни салмоғини ўлчагандек бўламан. Ахир, бу ишлар инсон тақдирини, саломатлигини билан боғлиқ.


Элик йилдан бери шу иш билан машғул жаноб Хонг ногиронларга шунчаки протез ясаб бериш билан чеқлиб қолмас экан. Билишимизча, аввалгига анча вақт уларни руҳий жиҳатдан суҳбатдан ўтказишарди. Чунки протезга бирдан қўнқиш қийин. Кимдир тўпигидан, бошқа биров тиззасидан, ҳатто болдирди пастидан ажралган ногиронларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошилди.

— Улар учун стандарт, қолипга солинган протез ясаб бўлмайди, — дея суҳбатни давом эттирди у. — Ҳар бири инсон нафақат руҳий, жиҳмоний жиҳатдан ҳам ўзгача. Қуввати, оёқ тузилиши, ногиронлик даражаси — булар бари ҳар бири протез устида алоҳида иш-лашни талаб қилади. Шу боис баъзиларини бир ҳафта, бошқа бирини ойлаб тайёрлашга тўғри келади.

— Беморларингизнинг орасида ўз тақдирини, инти-

Сизнинг имзоингиз — ҳар қандай сейфдан афзал!

Аксарият ҳолларда ўғриларни уйда сақланадиган пуллар қизиқтиради. Сизда American Express чеклари бўлса, нақд пулларингиз йўқолишидан хавотирланмасангиз ҳам бўлади. American Express чеки уйда сақланаётган нақд пулларингизни ҳар қандай қулф ва сейфлардан яхшироқ асраш имкониятини яратлади.



American Express чекларини истаганингизча узоқ мuddат сақлашингиз мумкин, чунки уларнинг амал қилиш мuddати чекланмаган.

Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдалана оласиз. Агар чекларни йўқотсангиз ёки ўғирлатсангиз, уларни эмитент (одатда 24 соат ичида) тиклаб беради.

American Express — халқаро молиявий корпорациядир. Мазкур корпорация 150 йилдан ортиқ вақтдан буюн мавжуд бўлиб, иқтисодий вазиятдан қатъи назар, чекларнинг тўловини таъминлайди.

American Express чеклари — пулни уйда ва сафар чоғида асраш имкониятидир. Улар бутун дунёдаги миллионлаб молиявий ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

American Express чекларини Миллий банкнинг яқин ўртада жойлашган муассасасида харид қилишингиз мумкин.

American Express чеклари — ўзингизнинг «нақд пулларингиз»дир.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ

Кўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим/филиалига, алмашув пунктларига мурожаат қилишингиз мумкин. Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09 www.nbu.com Йўқолган чекларни тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29 www.amex.ru

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. Болев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Мухиддинов, Ш. Ризаев, А. Саядов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 14 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа виоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

Table with exchange rates for various currencies including AUD, GBP, CAD, etc.

\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмасан.

Mix Market ОФИС МЕБЕЛИ САЛОНИ

Advertisement for Mix Market office furniture featuring images of desks and chairs, and promotional text for 2005 year-end offers.

Advertisement for Uzbekistan Matbuot va Axborot Agentligi jamoasi, offering printing and information services.

Advertisement for Uzbekistan Matbuot va Axborot Agentligi 001-raqam bilan ruyqatga olingan, providing details on printing services and contact information.

Advertisement for Manzilimiz: 700000, GSP, Toshkent shahri, Matbuotchilar kuchi, 32-uy, listing staff and contact details.